

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

### **330 Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети хузурида академик лицей фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Иктидорли ёшларнинг билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, саноатнинг юқори технологияларга асосланган тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, аниқ фанлар ва инглиз тили бўйича чукурлаштирилган, касбий йўналтирилган таълим олишга бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг 2010/2011 ўкув йилидан бошлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети хузурида аниқ фанлар ва инглиз тили чукур ўқитиладиган академик лицей ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан биргаликда:

академик лицейда ўқитиши давлат таълим стандартларига, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг ўкув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга ошириш;

академик лицейнинг педагогик кадрлари таркибини танлов асосида малакали, чукур касбий билимга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган ўқитувчилар билан тўлдиришни таъминлаш;

академик лицейни зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжомлари, компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологияси жиҳозлари, ахборот ресурс маркази фонди ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда 2010/2011 ўкув йилидан бошлаб Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети хузуридаги академик лицейни сақлаш харажатлари учун зарур маблағ ажратишни назарда тутсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

**38 (434)-сон**

**— 11 —**

**330-331-моддалар**

публикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 20 сентябрь,  
208-сон